

Inson uchun bilim orttirishning o'zi kifoya emas, olingan bilimni taraqqiyot yo'lida sarflashni ham bilmoq lozim.

logann GYOTE


Qiziltepa tumanidagi Temur Malik nomidagi his-sadorlik jamiyati tomonidan 14 nafar kam ta'minlangan oilalar farzandlarining sunnat to'y-lari o'tkazib berildi. Har bir bolaga kiyim-kechak va 10 ming so'mdan pul ajratildi.



Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * مەرىفەت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 18 сентябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 73 (7476)



Кўпчилиكنинг кўнгли тўлди

Ўтган ҳафта мамлакатимиз ҳаётида рўй берган ўзига хос воқеа-ҳодисаларга бойлиги билан юрт тарихига алоҳида саҳифа сифатида қўшилди. Чунки бир ҳафта давомида бутун дунёнинг нигоҳи Ўзбекистонга қаратилди. Ва бу табиий эди. Кун сайин янги-яна бўлиб ўтди. Ўнлаб телеканаллар орқали дунёнинг саксондан зиёд мамлакатига тўғридан-тўғри узатилган мусобақалар, айтиш мумкин, Ўзбекистонни жаҳонга яна бир бор танитди. Ривожланаётган юрт имкониятларини намойиш қилди.

Турнирни тайёрлаган ва юксак савияда ўтказган барча ташкилотчиларга, уни тўлиқ ёритиб борган, тенниснинг миллионлаб мухлис-ларига қувонч бағишлагани учун оммавий ахборот воситалари ходимларига миннатдорлик билдираман. Шу билан бирга, турнир давомида теннисчиларга ҳамнафас бўлган мухлис-ларга очик кўнглилиги ва меҳмондўстлиги учун ташаккур айтмоқчиман.

Сўнгра Президент Ислоҳ Каримов халқаро турнирнинг бу йилги ғолиби Е.Кафельниковга мусобақа кубогини, финал иштирокчиси белоруссиялик В.Волчковга эса махсус совринни топширди. Аънаъга қўра, финал иштирокчиларига миллий тўн ва дўппи кийдирилди. Шундай қилиб, бу йилги турнир ҳам ниҳоясига етди. Матбуот анжуманларида теннисчиларнинг аксарияти келаси йил ҳам Тошкентга аёлликларини изҳор этдилар. Бундан кўпчилиكنинг кўнгли тўлди.

Ф.КАРИМОВ
Суратни Бурҳон
РИЗОКУЛОВ олган.

ЭЛЧИХОНАНИНГ УНИВЕРСИТЕТГА ТУҲФАСИ

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатилганлиги 10 йил тўлиши муносабати билан Малайзия ҳукумати томонидан Тошкент ахборот технологиялари университетига 16 донга энг сўнгги русумдаги компьютер ва жиҳозлар тақдим қилинди. Кун кеча бўлиб ўтган ушбу компьютерларни топшириш маросимида Малайзиянинг мамлакатимиздаги Факултада ва мухтор элчиси жаноб Яхйа бин Абдул Жабар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директор ўринбосари Ш.Обидхўжаев, малайзиялик муҳандис-техник ходимлар, ҳамда университет масъул раҳбарлари, ўқитувчи-мураббийлари иштирок этдилар.

— Малайзия ҳукуматининг университетимизга тақдим этган туҳфаси, ушбу давлатнинг "MIMOS" Микроэлектрон тизимлар институтида ишлаб чиқарилган бўлиб, улар асосан тадқиқот ишларида фойдаланиш учун мўлжалланган, дейди университетнинг проректори Омон Абдуазизов. — Университетимизга бу каби туҳфалар Хитойнинг "Шанхай Белл", Япониянинг "NEC", Германиянинг "Siemens" фирмалари томонидан ҳам совға қилинган эди. Малайзиянинг замонавий компьютер жиҳозлари талабаларга дастурлаш технологиялари ва алгоритмлаш фанларини ўргатишда жуда қўл келади. Шу мақсадда университетимизда жорий йилда алоҳида янги кафедра ташкил қилинди. Эндиликда 6 гуруҳдан иборат иктидорли талабалар бу компьютер ёрдамида микропроцессор тизимларини куриш ва дастурлаш бўйича тадқиқот ишларини олиб борадилар.

Маросимда Малайзия микроэлектрон тизимлар институти ва Тошкент ахборот технологиялари университети ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Унга мувофиқ, жорий ўқув йилида бир неча ўнлаб талаба ва ёш мутахассислар Малайзияда малака оширадилар. Шунингдек, Малайзия микроэлектрон тизимлар институтининг бир қатор йирик мутахассислари университетга ташриф буюриб, талабаларга маъруза ўқийдилар.

Мухаммаджон ИСРОИЛОВ

ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖЛАРДАН ҚОЛИШМАЙДИҲАН МАҚТАБ



Бу йилги Мустақиллик байрами шодиёналари нафақат Бухоро туманидаги Диёсий қишлоғи, балки Усмон Юсупов номли ширкат хўжалиги аҳолиси учун ҳам унутилмас бўлиб қолади. Бу ерда ўзқ йиллардан бери қурилиши чала қолиб келатган 31-мактаб биноси ниҳоясига етказилиб, илк бор ўқувчиларни ўз оғушига олди.

— Аслида лойиҳада мак-

таб биноси 3 қаватли эди, — дейди бош пудратчи 2-«Бухоровилоятжамоақурилиш» трести хиссасдорлик жамияти раҳбари Убайдулла Носиров. — Шароити ҳисобга олиб, масалага ижодий ёндашдик. Бино икки қаватли бўлди. Бу ўзгаришлар эвазига спорт зали қурилди ва ўқув биноси кенгайтирилди.

800 млн. сўм капитал

маблағ сарфланган, 250 млн. сўмдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилган 420 ўринли мазкур бино замонавий мебеллар, ўқув воситалари билан яхши жиҳозланган.

— Биз илм масканимиз учун шу қадар ҳашаматли ва ҳар томонлама қулай янги бино қуриб берилганидан беҳад хурсандимиз, — дейди мактаб директори

Феруза Ҳотамова чехрасида мамнуният балқиб. — Бу эътибор, ғамхўрликка жавобан аёло ўқиш ва ишларимиз, ислоҳот жараёнларида фаол иштирокчимиз, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарбиялашимиз билан жавоб берамиз.

Суратда: янги мактаб биноси

Taqdimot

MUKOFOTLAR TOPSHIRILDI

Poytaxtimizdagi "Turkiston" saroyida "O'zbeknavo" estrada birlashmasining estrada san'atini rivojlantirish jam g'armasi tomonidan professional estrada san'atini rivojlantirish, ijodkorlarning yutuqlarini targ'ib etish hamda ularning izlanishlarini qo'llab-quvvatlash maqsadida tashkil etilgan "Oltin Humo" mukofotlarini topshirish marosimi bo'lib o'tdi. "Oltin Humo" ilk bor xonandalar Yulduz Usmonova, Qulomjon Yoqubov, Ozoda Nursaidova, marhum shoir Muhammad Yusuf, bastakor Sultonali Rahmatov, libos ustasi Komila Yoqubova, rejissyorlar Valijon Sodiqov, Alisher Eshonxo'jayev va "Yalla" ansambliga berildi. Marosimda Toshkent shahar hokimi R.Shoabdurahmonov ishtirok etdi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QISHLOQDA TENNIS KORTI

Namangan tumani markazida xalqaro andozalarga monand yopiq tennis korti foydalanishga topshirildi. Tuman yo'l qurilishi bo'limi homiyligida hamda tashkilotlar, ishbiarmon va tadbirkorlarning moddiy ko'magi bilan majmuani bunyod etish uchun 110 mln. so'm mablag' sarflandi.

YANGI ZAVOD QURILDI

G'ijduvonda zamonaviy loyiha asosida yangi paxta tozalash zavodi ishga tushdi. Yangi zavodni foydalanishga topshirish marosimida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Davlat maslahatchisi I.Jo'rabekov, Bosh vazir o'rinbosari, Respublika qishloq va suv xo'jaligi vaziri N.Yusupov, Buxoro viloyati hokimi S.Husenov ishtirok etdilar.

MUALLIMLAR TAЖРИБА АЛМАШДИ

Фарзандларимизни болалигидан она Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларнинг Ўзбекистон мадҳияси, герби, байроғи, Конституцияси ҳақидаги билимларини, Истиклол тўғрисидаги тушунчаларини шакллантириш каби масалалар бугунги кунда мактабгача таълим-тарбия муассасалари олдида турган муҳим вазифалардандир. Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлимига қарашли 396-болалар богчасида ўтказилган педагог ходимларнинг анжуманида ана шу ҳақда сўз борди. Тадбирда мактабгача тарбия муассаса раҳбарлари, услубчи ва илғор тарбиячилар 2001-2002 ўқув йили якунларини таҳлил этди, шу давр мобайнида ишлаб чиқилган ва чоп этилган турли йўналишдаги услубий қўлланмалардан самарали фойдаланиш бўйича тажриба алмашди.

Зухра УСМОНОВА

FRANSUZLAR YETAKCHI

Mutaxassislarining ta'kidlashicha, so'nggi vaqtda ayrim rivojlangan mamlakatlarda umr ko'rish muddati uzayganligi kuzatilmogda. Ayni paytda Fransiya bu borada yetakchilik qilmoqda. Fransiya gerontologiya markazi rahbari F. Faretning aytishicha, ijtimoiy-iqtisodiy sharoitning barqarorligi, atrof-muhit musaffoligi, zamonaviy tibbiyot ko'magi sabab fransuzlar bunga erishmoqdalar.

YANGI USUL

Leyster universiteti professori Mayk Beyrar Britaniyada o'tkazilgan ilmiy anjumanda sil kasalligini aniqlashning yangi usuli ishlab chiqilganini ma'lum qildi. Yangi usulda kasallikka avvalgidan farqli o'laroq, bir necha hafta o'rniga 2-3 soatdaroq tashxis qo'yish mumkin bo'ladi.

TOZA SUV TANQIS

BMT tomonidan tarqatilgan ma'lumotlarda qayd etilishicha, ayni paytda dunyoda yiliga 10 mln. kishi zararli suvlardan foydalanish natijasida halok bo'lmoqda. Bir milliard aholi esa, normal ichimlik suvini ichish imkoniyatiga ega emas. O'limlarning ta'kidlashicha, yaqin kelajakda ham bu muammoga yechim topish mushkul. 2050 yilga borib, dunyo aholisining 30 foizi ichimlik suvi tanqisligidan aziyat chekadi.

YOZUV

QUROLINING TARIXI Muhim yozuv quroli hisoblanmish rucknaning paydo bo'lish tarixini bilasizmi? Tarixchilarning ta'kidlashlaricha, siyohda yozadigan dastlabki ruckalar ilk bor 1939 yilda Vengriyada ishlab chiqarila boshlangan. Arxeologlar esa, bundan bir necha ming yillar avval Misrda hukm surgan fir'avn Tutaxamon maqbarasidan ham mis ruckha topilganligini qayd etishadi. Demak, mazzkur yozuv qurolining paydo bo'lish tarixi borasida halli aniq bir to'xtamga kelingan emas.



